



**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

**Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамомойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Хизматда шартнома асосида инерт материалларни ташиб келиш хизмати.
- 1.2. Танлов охириги қиймати – 70 000 000 сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.  
**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб **40 кун**.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати танлов якунланган кундан бошлаб ҳисобланади.
- 1.6 Юқори турувчи ташкилотлардан пул маблағи келиб тушгандан кейин.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. Дехқонобод ТЙФУК, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, Дўстлик МФЙ
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Дехқонобод ТЙФУК биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;  
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);  
Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

3.6. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатшга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкун.

3.7. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- Танлов объектига ўхшаш объектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50% дан кам бўлмаган ҳолда).

3.8. Тақдим қилинаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

3.9. Иссик майда донали (горячая мелкозерностая) асфальтобетон булганлиги сабабли оралик масофа Кунгирот туманига яқын булиши шарт.